

Олтидан бўлган сўзлар (иккинчи мақола)



11:00 / 26.04.2022 2003

11. Солиҳлардан бирлари айтадилар: «Банда гуноҳ билан неъмат орасида бўлади. Гуноҳга ҳам, неъматга ҳам муносиб амал истиффор ва ҳамдир. Шундай экан, ҳамдни кўпайтирайлик, зеро, ҳамду сано фақатгина Роббимизга хосдир. Аллоҳга истиффор айтайлик, биз истиффорга қанчалар муҳтожмиз».

12. Ҳофиз Суютий айтадилар: «Болаларга Қуръонни ўргатиш Ислоннинг аслларидан бўлган бир аслдир. Ана шунда улар Ислон фитратида униб ўсадилар, қалбларига ҳавои-нафс ўрнашишидан, маъсият ва залолат туфайли қалблари қорайишидан олдин унга ҳикмат нурлари кириб боради».

13. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойида ибодатларни кўпайтирар эдилар. У зот алайҳиссалом Рамазон ойида бошқа ойда қилмайдиган жидду-жаҳдни қилар эдилар. Узот алайҳиссалом бу ойда садақа, эҳсон, Қуръон тиловати, зикр, эътикоф ва бошқа солиҳ амалларни кўпайтирар эдилар.

14. Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Аллоҳга қасамки, эй одам боласи, агар Қуръон ўқисанг, сўнгра унга иймон келтирсанг, дунёда маҳзунлигинг узоқ давом этади. Дунёда хавф, қўрқувинг кучаяди, йиғинг

кўпаяди».

15. Рўзанинг лаззатини ва ҳаловатини фақат иймон билан рўза тутган кишигина ҳис қилади. Аммо, кимки урф-одат, тақлид юзасидан рўза тутса, очлик, ташналик, шаҳватсизликдан иборат бўлган тана оғриғини ҳис этади холос.

16. Рамазон ўтиб бормоқда, мусобақа эса борган сари шиддатли тус олмоқда. Жаннат зийнатланиб, жидду-жаҳд қилган кишига эшикларини очиб турибди. Мукофот ихлос, ижтиҳод қилганларга тайёр ҳолатдадир. Сенинг ғаминг, мақсадинг «ҳа, рўза тутяпманку», деган эътиқод бўлиб қолмасин, шиоринг «Аллоҳ таолонинг ҳузурига бораётганимда ҳеч ким мендан ўзиб кета олмайди» деган эътиқод бўлсин.

17. Ибн Қаййим роҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Нафсим мени яхшиликлар қилишга ундаяпти деб ўйлама, билгингки, албатта сен Аллоҳ суйган бандасан. У зот сени яхшиликлар қилишга илҳомлантирмоқда. Шундай бўлгач, бу муҳаббатга нисбатан бепарво бўлма, акс ҳолда У зот сени унутади».

18. Рамазондаги васиятнинг хулосаси.

Аллоҳнинг китоби бўлмиш Қуръони Каримни лозим тутинг! Тиловатини кўпайтиринг, хатмона кетидан яна хатмни бошланг! Дақиқалар у ёқда турсин, сонияларни ғанимат билинг! Чунки Рамазоннинг вақтлари олтиндан ҳам қимматдир. Тоатлар майдонида мусобақалашинг! Жаннат — эшикларини сизга очиб турибди. Рамазон ўғриларида эҳтиёт бўлинг! Бу кунлар, вақтлар, сониялар ҳаммаси ҳисобли, уларни ғанимат билинг!

19. Рамазоннинг санокли дақиқаларидан фойдаланиб, у дақиқаларни ҳар кунлик солиҳ амаллар учун режа тузиб белгилаб олинг. Сўнгра бу дақиқаларни Роббингизнинг Китоби билан ўзингизнинг орангизда боғланиш воситаси қилиб олинг. Ана шунда Аллоҳнинг фазли билан қалбингиз ва ҳаётингиз Қуръон нури ила мунаввар бўлади.

20. Нуқсонга кўп йўл қўядиган киши бўлсангиз ҳам Қуръонни тиловат қилишга одатланинг. Аллоҳга қасамки, нафсни тарбия қиладиган, ахлоқни гўзаллаштирадиган, сўзларингиз савиясини юксалтирадиган, руҳни юқори даражаларга олиб чиқадиган, Қуръондек илоҳий Китобни ҳеч қаердан топа олмайсиз, Уни излаб ҳам ўтирманг! Бунинг учун сиз Қуръони Каримни тиловат қилишингиз, оятлари маъносини тадаббур қилишингиз, Қуръон тиловатини тинглашингиз ва Уни ёд олишингиз лозим. Нажотга

эришингизни қийинлаштирадиган тўсиқларни Қуръонга гўзал ошно бўлиш бартараф этади.

(Давоми бор)

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади